

**Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари  
иттифоқ қилган ҳадислар / 238-ҳадис**

238 - حَدَّثَنَا ثَابِتٌ، عَنْ أَنَسٍ، قَالَ: كُنْتُ رِدْفَ أَبِي طَلْحَةَ يَوْمَ حَيْبَرَ، وَقَدَمِي تَمَسُّ قَدَمَ رَسُولِ

اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: فَأَتَيْنَاهُمْ حِينَ بَزَعَتِ الشَّمْسُ، وَقَدْ أَخْرَجُوا مَوَاشِيَهُمْ، وَخَرَجُوا  
بِقُتُوسِهِمْ، وَمَكَاتِلِهِمْ، وَمُرُورِهِمْ، فَقَالُوا: مُحَمَّدٌ، وَالْحَمِيسُ، قَالَ: وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:  
«خَرِبَتْ حَيْبَرُ، إِنَّا إِذَا تَرَلْنَا بِسَاحَةِ قَوْمٍ فَسَاءَ صَبَاحُ الْمُنْدَرِينَ، قَالَ: وَهَزَمَهُمُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ، وَوَقَعَتْ  
فِي سَهْمِ دِحْيَةَ جَارِيَةً جَمِيلَةً، فَاشْتَرَاهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِسَبْعَةِ أَرُوسٍ، ثُمَّ دَفَعَهَا إِلَى أُمِّ  
سَلِيمٍ تُصَبِّغُهَا لَهُ وَتَهَيِّئُهَا - قَالَ: وَأَحْسِبُهُ قَالَ وَتَعْتَدُ فِي بَيْتِهَا، - وَهِيَ صَفِيَّةُ بِنْتُ حُيَيٍّ، قَالَ:  
وَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلِيْمَتَهَا التَّمْرَ وَالْأَقِطَ وَالسَّمْنَ، فُحِصَتِ الْأَرْضُ أَفَاحِيصَ،  
وَجِيءَ بِالْأَنْطَاعِ، فَوُضِعَتْ فِيهَا، وَجِيءَ بِالْأَقِطِ وَالسَّمَنِ، فَشَبِعَ النَّاسُ، قَالَ: وَقَالَ النَّاسُ: لَا نَدْرِي  
أَتَرَوَّجَهَا، أَمْ اتَّخَذَهَا أُمُّ وَلَدٍ؟ قَالُوا: إِنْ حَجَبَهَا، فَهِيَ امْرَأَتُهُ، وَإِنْ لَمْ يَحْجُبَهَا فَهِيَ أُمُّ وَلَدٍ، فَلَمَّا أَرَادَ  
أَنْ يَكْبَحَ حَجَبَهَا، فَفَعَدَتْ عَلَى عَجْزِ الْبَعِيرِ، فَعَرَفُوا أَنَّهُ قَدْ تَرَوَّجَهَا، فَلَمَّا دَتُوا مِنَ الْمَدِينَةِ، دَفَعَ  
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَدَفَعْنَا، قَالَ: فَعَثَرَتِ النَّاقَةُ الْعَضْبَاءُ، وَنَدَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ  
وَسَلَّمَ، وَنَدَرْتُ، فَقَامَ فَسْتَرَهَا، وَقَدْ أَشْرَفَتِ النِّسَاءُ، فَقُلْنَ: أَبْعَدَ اللَّهُ الْيَهُودِيَّةَ، قَالَ: قُلْتُ: يَا أَبَا  
حَمْرَةَ، أَوْقَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: إِي وَاللَّهِ، لَقَدْ وَقَعَ.

قَالَ أَنَسٌ: وَشَهَدْتُ وَلِيْمَةَ زَيْنَبَ، فَأَشْبَعَ النَّاسُ حُبْرًا وَحَمًّا، وَكَانَ يَبْعَثُنِي فَأَدْعُو النَّاسَ، فَلَمَّا فَرَغَ،  
قَامَ وَتَبِعْتُهُ، فَتَخَلَّفَ رَجُلَانِ اسْتَأْنَسَ بِهِمَا الْحَدِيثُ، لَمْ يَخْرُجَا فَجَعَلَ يَمُرُّ عَلَى نِسَائِهِ، فَيُسَلِّمُ عَلَى كُلِّ  
وَاحِدَةٍ مِنْهُنَّ: «سَلَامٌ عَلَيْكُمْ، كَيْفَ أَنتُمْ يَا أَهْلَ الْبَيْتِ؟» فَيَقُولُونَ: بِخَيْرٍ يَا رَسُولَ اللَّهِ، كَيْفَ

وَجَدتْ أَهْلَكَ؟ فَيَقُولُ: «بِحَيْرٍ»، فَلَمَّا فَرَغَ رَجَعَ، وَرَجَعْتُ مَعَهُ، فَلَمَّا بَلَغَ الْبَابَ، إِذَا هُوَ بِالرَّجُلَيْنِ،  
قَدِ اسْتَأْنَسَ بِمِمَّا الْحَدِيثُ، فَلَمَّا رَأَى أَنَّهُ قَدْ رَجَعَ، فَأَمَّا فَحَرَجًا، فَوَاللَّهِ مَا أَدْرِي أَنَا أَحْبَبْتُهُ، أَمْ أَنْزَلَ عَلَيْهِ  
الْوَحْيَ بِأَيِّهِمَا قَدْ حَرَجًا. فَرَجَعَ وَرَجَعْتُ مَعَهُ، فَلَمَّا وَضَعَ رِجْلَهُ فِي أُسْكُفَةِ الْبَابِ، أَرْحَى الْحِجَابَ  
بَيْنِي وَبَيْنَهُ، وَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى هَذِهِ الْآيَةَ: { لَا تَدْخُلُوا بُيُوتَ النَّبِيِّ إِلَّا أَنْ يُؤْذَنَ لَكُمْ } الْآيَةَ.

[خ 4793، م 1428، ت 3217، س 3252، د 3743، ج 1908].

Собит сўзлаб берди:

«Анас шундай деди: «Мен Хайбар куни Абу Талҳага мингашиб олган эдим. Оёғим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқларига тегиб турар эди. Қуёш кўтарилган пайтда биз уларнинг олдига келдик. Улар чорваларини олиб чиқишган, ўзлари ҳам болта, замбил, куракларини кўтариб олишган эди. Улар: «Муҳаммад! Бешлик!» дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Хароб бўлсин Хайбар! Биз бирор қавмнинг ерига тушсак, огоҳлантирилганларнинг тонги нақадар ёмон бўлур!**» дедилар. Аллоҳ азза ва жалла уларни тормор қилди. Диҳянинг чекига бир гўзал жория тушди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни етти бош (қулчўри) эвазига сотиб олдилар. Сўнгра уни ясангириб, тайёрласин деб Умму Сулаймга топширдилар. – Менимча (ровий) «У унинг (Умму Сулаймнинг) уйида идда ўтирди», деди.\* – У Сафийя бинт Хуяй эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга хурмо, ақит ва сарёғ билан валийма қилиб бердилар. Ўйдим-чуқурлар текисланиб, тери дастурхонлар келтириб, солинди, ақит, сариёғ ҳам келтирилди. Одамларнинг қорни тўйди. Одамлар: «У зот унга (Сафийяга) уйланадиларми ёки умму валад қилиб оладиларми, билмаймиз», дейишди. «Агар уни (номаҳрамлардан) тўссалар, демак, у завжалари бўлади, тўсмасалар, унда умму валад бўлади», дейишди. У зот уловга минмоқчи бўлганларида уни тўсдилар. У туянинг орқасига ўтирди. Шунда билишдики, у зот унга уйланибдилар. Мадинага яқинлашганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (уловни) тезладилар. Биз ҳам тезлатдик. Бир пайт туялари Азбо қоқилиб кетиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йиқилиб тушдилар, у (Сафийя) ҳам йиқилди. У зот дарҳол туриб, уни тўсдилар. Аёллар бўйлаб қараб, «Аллоҳ бу яҳудийяни биздан нари қилсин!» дейишди».

Мен: «Эй Абу Ҳамза, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йиқилиб тушдиларми?» десам, у: «Аллоҳга қасамки, ҳа, у зот йиқилиб тушдилар», деди.

Анас деди: «Мен Зайнабнинг валиймасида ҳам қатнашганман. У зот одамларни гўшту нонга роса тўйдирганлар. У зот мени жўнатар, мен эса одамларни чақириб келар эдим. Тўй тугагач, ўринларидан турдилар. Мен ҳам у зотнинг ортларидан юрдим. Икки киши эса (тўйхонада) қолишди, гапга берилиб кетиб, ҳеч чиқишмади. У зот аёллари олдидан ўтиб, уларнинг ҳар бирига: **«Ассалому алайкум! Қалайсизлар, эй аҳли байт»**, деб салом берардилар. Улар эса: «Яхши, эй Аллоҳнинг Расули! Ўзингиз аҳлингизни қандай қаршиладингиз?», дейишарди. У зот ҳам: **«Яхши»**, дердилар. Шундан сўнг ортга қайтдилар. Мен ҳам у зот билан бирга қайтдим. Эшик олдида етиб келганда ҳалиги икки кишига яна дуч келдилар, улар гапга жуда берилиб кетишган эди. Улар у зотнинг қайтганларини кўриб, ўринларидан туриб, чиқиб кетишди. Аллоҳга қасамки, у зотга ўзим хабар бердимми, ёки уларнинг чиқиб кетгани ҳақида у зотга ваҳий нозил қилинми, билмайман. Хуллас, у зот ортга қайтдилар. Мен ҳам у зот билан бирга қайтдим. Оёқларини эшик остонасига қўйганларида мен билан ўзлари ораларига парда туширдилар. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: **«Эй иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманглар. Фақат сизларга таомга изн берилганидагина...»**[1]

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.*

\* Бу гап ровийлардан Собитнинг гапидир. Бошқа бир ривоятда «ҳайздан поклангунича идда ўтирди», дейилган. Ислом шариатида ўша даврнинг таомилига кўра, душманларнинг муомаласига муносиб жавоб ўлароқ урушда асирга тушганларни қулчўри қилиб олишга рухсат берилган. Шундай қилинмаса, мусулмонлар текин ўлжага айланиб, уларга ҳамла қилишга ҳамма бирдек ошиқиши аниқ эди. Шу боис, «муомалати мисл» («саломга яраша алик») қабилида асирларни қул қилиш жоиз бўлган. Бироқ, Ислом қулдорликка қарши кураш олиб бориб, қул озод қилиш борасида инсоният тарихида мисли кўрилмаган чораларни илк бор жорий қилиб, қулчўри тутишга доир қатор ҳукм ва одобларни ҳам йўлга қўйган. Ана шундай ҳукмлардан бири ҳатто чўрига ҳам у бир ҳайз кўриб, поклангандан кейингина яқинлик қилиш ҳалол бўлишидир. Унга уйланганда ҳам унинг бир ҳайздан поклангунича идда ўтириши лозим экани ушбу ривоятдан тушунилади.

[1] Аҳзоб сураси, 53-оят: **«Эй иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманг. Фақат сизларга таомга изн берилганидагина, унинг пишишига мунтазир бўлмайдиган бўлиб (киринг). Лекин чақирилсангиз, кириг-да, таомни еб бўлишингиз билан тарқалиб кетинг, гапга берилиб (қолиб) кетманг. Албатта, бундай қилишингиз**

**Набийга озор беради. У эса сизлардан ҳаё қилади. Аллоҳ ҳақ(ни айтиш)дан ҳаё қилмайди. Қачон улардан (Набийнинг завжаларидан) бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўранг. Шундай қилмоғингиз ўз қалбларингиз учун ҳам, уларнинг қалблари учун ҳам покрокдир. Сиз учун Расулуллоҳга озор бериш ва ундан кейин унинг завжаларига никоҳланишингиз асло мумкин эмас. Албатта, бундай қилмоғингиз Аллоҳнинг наздида жуда улкан(гуноҳ)дир»**

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI